



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 29 январь, № 20 (5950)

Чоршанба

СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди. — Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда. “Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айtilган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни

қўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спортини таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди. 2013 йилда болалар спорт объекти, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектиларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард

400 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Президентимиз спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Болалар спорт объектиларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани тўғрисида уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда. — Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб кўримизни бағишлаб қуришимиз

керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз. Болалар спорт объектилари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалаштириш, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омили бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгрок жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлса! Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислам Каримов. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда. Уч босқичли спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ёшларнинг спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортда улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпио-

нати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди. Олти ёшли шахматчимиз Исламбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро грассмейстер унвонига сазовор бўлди. Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яхё Имомов Францияда ўтган “Катта дубулга” туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги Фармонида мувофиқ, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу йил “Баркамол авлод” мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилди. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. — 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилдик. Бу масалага янги қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу давлатга айланган бораётган бир шioriни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз. Мажлисида Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича

таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёрлик ишлари ҳам кўриб чиқилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тартаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировардида Президентимиз. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Э. Боситхонова, Б. Зокиров, А. Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси президенти М. Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланган. Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.
Сарвар ҲАМИДОВ олган сурат.

Оммавий ахборот воситалари:

Ижодий ютуқлар мезони

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан “Давлат томонидан оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда депутатлар, жамоат ташкилотлари, босма ва интернет нашрлар вакиллари, олий ўқув юртлирининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар қатнашди. Тадбирда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожланти-

риш, миллий матбуотимиз таъсирчанлигини ошириш, фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, ахборотларни кенг жамоатчиликка тез, ҳолис ва аниқ етказиб беришда соҳа ходимларининг малакасини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда манфаатларини

ҳимоялаш, айниқса, журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни жорий этишга барча зарур шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Яқинда Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қўмаклашиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Б. Мустафоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Францияда бўлди.

Франция Кассация суди (Олий суд), Париж шаҳар биринчи босқич суди ҳамда мамлакат Адлия вазирлигида Ўзбекистон делегацияси аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Франция томони вакиллари мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида мамлакатимиз эришган муваффақиятлар билан батафсил танишдилар. Учрашувлар чоғида Ўзбекис-

Ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди

тонда сифатли одил судловни таъминлайдиган фундаментал қонунчилик базасининг яратилиши, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, жиний ва фуқаролик ишларининг кўриб чиқилишида апелляция институтининг қўлланилишига доир маълумотлар тақдим қилинди. Шунингдек, Франция томони вакиллари Ўзбекистонда жорий этилган ярашув институти, ўлим жазосининг бекор қилиниши юзасидан фуқаролар фаол мурожаат қилаётгани, дастлабки тергов устидан суд назоратининг ўрнатилиши, судлар фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар билан ҳам

атрофлича танишдилар. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинаётган мажмуавий чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида, ушбу сафар доирасида Франция суд тизимининг ўзига хосликлари, турли тоифадаги ишларни кўриб чиқадиган тизимларнинг ташкил қилиниши, шунингдек, судлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари сингари мавзуларни қамраб олган тақдиротлар ҳам бўлиб ўтди. Сафар якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Франция Кассация

суди ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. “Ҳаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Франция Кассация судининг биринчи раиси Венсан Ламанда куйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди: — Имзоланган битим Франция ва Ўзбекистон олий суд маҳкамалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилишида муҳим аҳамият касб этади. У мамлакатларимиз суд тизимларини яхшироқ ўрганиш ҳамда демократик ҳуқуқ амалиёти тажрибасини жорий қилишга имкон беради.

(Давоми 2-бетда).

хабарлар

■ **Тошкент вилоятида ўтган йили мамлакатимиз қурилиш саноати истиқболлига хизмат қилувчи 54 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.**

Сармоя ҳисобидан ишга туширилди

Шулардан бири — Оҳангарон туманидаги “Воллен текс” масъулияти чекланган жамиятига тегишли. Қарийб 1 миллион 855 минг АҚШ доллариллик сармоя ҳисобидан ҳудудда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш тузилмаси юзага келди. У замонавий бунёдкорлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган куруқ гипс кукунлар ҳамда гипсокартонлар тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда айнан шундай маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар кўп. Табиийки, рақобат кучли. Лекин “Воллен текс”нинг 40 кишилик жамоаси сифат ва юқори технологияга таяниб, бунёдкорлар ишончини қозониш ниятида. Бинобарин, корхона қувватлари йилига 2 миллион квадрат метр гипсокартон ҳамда 20 минг тонна курилишбоп пардозлаш ашёлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ **“Лоша қурилиш саноат комплекти” масъулияти чекланган жамиятидаги мавжуд эски технологияларни ҳаракатлантириш учун соатига 7,5 киловатт электр энергияси сарфланарди.**

Компьютер бошқаради

Бу ерда қиймати 191 минг АҚШ доллариллик бизнес лойиҳа амалга оширилиши билан мазкур кўрсаткич янада камайди.

Металлга ишлов берувчи янги ускуна шарофати билан кўл меҳнатига ҳам ҳоҳат қолмади. Чунки асосий юмушлар компьютер

воситасида бажарилаётди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган томёқичлар, асосан, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар учун этказиб берилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ **Фарғона туманидаги энг олис қишлоқлардан бири — Хуробани ҳақли равишда “Тадбиркорлар маҳалласи” дейиш мумкин.**

Тадбиркорлар маҳалласи

Чунки ҳудудда ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда соҳада фаолият кўрсатаётган фуқароларга кенг имкониятлар очиб бериш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туман ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган маҳаллий дастур асосида шу маҳаллада истиқомат қилувчи Одинахон Маҳкамова эркаклар костюм-шимми тикишни йўлга қўйган бўлса, Мансуржон Отажоновнинг оиласи қандолатчилик, Илҳомжон Йўлчиев эса тунука-созлик билан шуғулланаётди. Тўйчибой Маткаримов хондонидан ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларидан бутун туман аҳли баҳраманд. Арофатхон Қўчқорова, Тоҳиржон Маматалиев, Ҳасанбой Ҳасанов эса чорвачилик, асаларичилик фаолиятидан яхшигина даромад олишяпти.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ **Қарши шаҳридаги анчадан буён фаолият кўрсатаётган “УзИтанМед” қўшма корхонасига тегишли бино-иншоотлар “Чилонзор Парранда” хусусий корхонасига инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматда сотилди.**

«Ноль» қийматда сотилди

Шундан сўнг бу ерда 3 миллион 458,9 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилиб, мебель, замонавий эшик ва дераза ромлари учун яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бинобарин, илғор технологияларни бошқариш учун 38 киши ишга қабул қилинди. Умуман, вилоятда шу кунга қадар инвесторларга “ноль” қийматда берилган 68 та корхонага жами 15 миллион 800 миллион сўм ҳамда 2 миллион 151,3 минг АҚШ доллариллик сармоя киритилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ **Бугунги фермер қишлоқда саноатни жадал тараққи эттириши, ишлаб чиқариш тармоқлари ривожлантириши, шу орқали аҳоли фаровонлигини оширишга фаол ҳисса қўшиши лозим.**

Фермернинг кичик заводи

Урганч туманидаги “Бекобод чорва маҳсулотлари” фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Фозилов ана шу талабдан келиб чиқиб фаолият олиб бормоқда. Ҳозир унинг ихтиёрида 170 бош қорамол мавжуд. Хўжалик ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига ҳам эга. Бу ерда гўшт ва сутни қайта ишлаш цехи фаолият юритмоқда. Фермер иссиқхонасида лимон ўстириляпти.

Бундан ташқари, қишлоқ мулкдори 500 миллион сўмлик сармоя эвазига йилига бир миллион донга гишт, 3 минг тонна оҳак ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Натижада қўшимча 20 кишини иш билан таъминлади. Энди хўжалик раҳбари ўзининг гишт заводини кенгайтириши, брусчатка, шағал тош ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги глобаллашув замонида судьялар ва ҳуқуқшуносларнинг халқаро ҳамкорлиги биринчи даражали аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги кунга Франция Кассация суди бир неча хорижий мамлакатлар билан ҳам ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббуси билан чиққан эди. Биз бугун Ўзбекистон билан амалий шериклик бошланганидан мамнунмиз.

Даниэль Тардиф,
Франция Кассация суди Палатаси раиси:

— Сўнгги икки йил мобайнида биз Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан фаол алоқада бўл-

дикки, у ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланишидек ижобий натижага олиб келди. Бу алоқалар ҳуқуқлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳолдаги фикр алмашувлар ҳамда икки мамлакат суд-ҳуқуқ соҳасида бой тажриба айирбошлаш билан изоҳланади.

Юртингизга амалий ташириқларим чоғида афсонавий ўзбек шаҳарларини бориб кўриш, халқингизнинг бой тарихи ва маданияти, қадимий ҳамда кўп қирра-

«Жаҳон» АА,
Париж

Касаба уюшмалари фаолияти кенгаймоқда

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ййгилиши бўлиб ўтди. Унда республика касаба уюшмаларининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинди ҳамда Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдори ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

■ САРҲИСОБ

Мажлисда касаба уюшма ташкилотларининг 2013 йилда бошланғич касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида эришган натижалари эътироф этилди. Ушбу даврда ижтимоий шерикликнинг асосий механизми — жамоа келишувлари ҳамда шартномалари имкониятларидан самарали фойдаланиш тизими нафақат ишловчилар, балки улар оила аъзолари турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлди. Бунда, албатта, Бош келишув ҳамда тармоқ келишувларининг муваффақиятли татбиқи этилиши ўз самарасини берди.

Жамоа шартномалари сифати ва таъсирчанлиги оширилиши эса ходимлар учун белгиланган ижтимоий имтиёз ҳамда кафолатлар кўламининг бир неча баробар кенгайишига замин яратди. 2012 йилда жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ходимлар ҳамда уларнинг оилаларига кўрсатилган ижтимоий кўмак миқдори 39 миллиард 275 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда мазкур кўрсаткич 82,4 миллиард сўмга етди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш йўналишида эса асосий эътибор иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг

олдини олишга қаратилди. Натижада жамоа келишуви ва шартномаларига иш берувчиларнинг соҳадаги мажбуриятлари киритилиб, тизимли ишлар бажарилди. Хусусан, бу локал ҳужжатлар орқали 428 мингга яқин профилактика тадбирлари ўтказилиб, турли соҳа ходимлари меҳнати муҳофазасига 99,3 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Шунга мос ҳолда йил давомида қарийб 10,5 мингта иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаётган 49 минг нафарга яқин ходимнинг имтиёзли пенсияга чиқиши тасдиқланди.

Ҳисобот даврида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш жойида қўнимчилигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилгани эътиборлидир. Йил мобайнида 32,5 минг нафардан орტიқ коллеж ўқувчилари ва битирувчиларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида 6,5 мингга яқин фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик банд бўлган ходимлар, кам таъминланган оилалар хотин-қизлари, ёш оилалар, она ва бола ҳамда тиббиёт ходимлари имтиёзли ва бепул соғломлаштирилгани, 81,5 минг нафардан ортиқ ёлғиз

кекса ва ногиронларга касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 2 миллиард 164,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани ййгилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Аёлларнинг уй юмушларини енгилаштириш учун эса кишлоқ жойларида яшовчи 184 нафар аёлга 130 миллион сўмлик электр машиий техника жиҳозлари — кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар, музлаткичлар берилди.

Ййгилишда давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифалар аниқлаб олинди. Хусусан, нодавлат ва хусусий сектордаги корхона ҳамда ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш тизимини ривожлантириш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди. Мазкур тармоқда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган қўшма корхоналарга эътибор қаратиш ҳамда ушбу мақсадларга эришиш учун меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклини янада ривожлантириш айти мудаодир.

Ййгилишда айрим тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида кўзга ташланган камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мазкур соҳани янада раванқ топтириш борасида белгилаб берилган

дий лойиҳалар ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур Фонд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Жур-

Оммавий ахборот воситалари:

Ижодий ютуқлар мезони

устувор вазифалар ОАВнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги, ошқоралигига эришиш, ахборот соҳасига бозор механизmlарини жорий этиш ва улар фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини киритиш, медиа тизим фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, тахририятлар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ихтисослашувига кўмаклашиш ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли савй-харакатларда яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган 30 га яқин танловлар, ижо-

налистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Жамият ва мен — 2013” танлови ана шундай тадбирлардан бири бўлиб, у республикамиздаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари, шунингдек, журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар ўртасида ўтказилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танловга 100 нафардан зиёд соҳа вакилининг 2 мингдан ортиқ ижодий иши тақдим этилди. Улар орасидан ўн та йўналиш бўйича энг муносиблари қолиб, деб эълон қилинди.

Тадбир якунида танлов қолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда АШУРОВА.

“Халқ сўзи” газетаси мухбири С. Махсумов ҳам мазкур танловнинг “ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти” йўналиши бўйича биринчи даражали диплом билан мукофотланди.

Арзон, сифатли ва рақобатбардош

Жойлардаги янги корхоналарнинг маҳсулотлари ана шу жиҳати билан ажралиб туради.

Президентимиз 2013 йил 19 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида воҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги ўрнини янада кенгайтириш ва шу аснода аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳамда истиқболда бу борадаги улкан имкониятлардан янада самарали фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

■ ИНТИЛИШ

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кун талабларига мос, ҳар томонлама пухта ва истиқболли бизнес лойиҳалар янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлади. Ўтган йилнинг сўнгги ойларида Жарқўрган туманидаги Марказий Сурхон маҳалласида фаолият бошлаган “Charog on tekstil” корхонаси ана шундай интилиш ва изланишлар самарасидир. “Ўзбек-энерго” давлат-акциядорлик компаниясига қарашли “Савдоэнерго” акциядорлик жамиятининг 5,2 миллиард сўмлик маблағи ҳамда банк томонидан ажратилган 1,3 миллиард сўмлик кредит эвазига рўёбга чиқарилган мазкур ирик лойиҳа шарофати билан болалар ва катталар учун йилига 2 миллион дондан зиёд трикотаж буюмлари, коржомалар, чойшаблар ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Шу билан бирга, 200 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда воҳалик тадбиркорлар савй-харакати билан очилаётган янги ишлаб чиқариш субъектларининг ақсарияти қишлоқ жойларда фаолият юритаётгани эътиборга моликдир. Зеро, бу чекка ва олис ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш баробарида, кишлоқ аҳли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётди. Жумладан, “Зулайхобону Иброҳимовна” хусусий корхонаси Денов тумани марказидан анча олисда, Лўпон маҳалласида ташкил этилган. Унга ишбилармон аёл Райхоний Қурбонова раҳбарлик қилади. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 16 турдаги қандолат маҳсулотлари нафақат воҳа, қолаверса, республикаимиз бозорларида ҳам хариддордир.

— Маҳсулотларимиз нисбатан арзонлиги ҳамда



сифатлилиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда, — дейди тадбиркор. — Бунинг асосий сабаби — корхонамиз замонавий технологиялар билан жиҳозланганда. Қолаверса, сут маҳсулотлари чорвачилик фермамаиздан чиқаяпти.

Албатта, ҳар қандай истеъмолчи экологик тоза маҳсулот харид қилишни истайди. Қолаверса, бугунги соғлом рақобат муҳитида харидорлар талаб ва эҳтиёжлари кун сайин ошиб бораётди. Шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнида бозор талабларини пухта ўрганиб иш тутмаган тадбиркор муваффақият қозона олмаслиги та-

бийи. Бу эса саноат тармоқларини, мавжуд ускуна ва дастгоҳларни босқичма-босқич модернизация қилиб боришни тақозо этади.

Айни шу жиҳатни инобатга олган “Зулайхобону Иброҳимовна” хусусий корхонаси мутасаддилари банкнинг 420 миллион сўмлик кредити ҳисобига хориждан умумдор ва тежамкор технологиялар келтириб ўрнатилди. Компьютерлаштирилган мазкур дастгоҳлар маҳсулотлар сифатини, меъёрини доимий равишда назорат қилиб бориши билан аҳамиятлидир. Масалан, қандолат тайёрлаш чоғида бирор масалликдан белги-

лангандан камроқ микдорда солинса, технология дарҳол бу ҳақда огоҳлантириш сигналин беради. Натижада маҳсулот сифати бузилишига йўл қўйилмайди.

Қисқача айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини бугун аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса дастурхонимиз тўқинлиги, бозорларимиздаги мўл-кўлчилик ҳамда юртдошларимизнинг кўтаринки кайфиятида яққол ўзифодасини топапти.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 28 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1922,32
1 Англия фунт стерлинги	3635,98
1 Дания кронаси	404,21
1 БАА дирҳами	599,92
1 АҚШ доллари	2203,49
1 Миср фунти	316,51
1 Исландия кронаси	19,23
1 Канада доллари	1992,49
1 Ҳитой юани	364,33
1 Россия рубли	64,32
1 Украина гривнаси	275,68
1 Малайзия ринггити	658,94
1 Польша злотийси	719,58
1 СДР	3400,10
1 Туркия лираси	949,90
1 Швейцария франки	2462,83
1 евро	3000,05
10 Жанубий Корея вони	20,37
10 Япония иенаси	215,02

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Ўтган йилнинг барча чоракларида Буюк Британия иқтисодиётида ўсиш сурьатлари кузатилди. Жумладан, йилнинг охириги уч ойида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,7 фоиз ошди.

Эътиборли натижалар

Бундай ижобий ҳолат сўнги олти йилдан буён биринчи марта қайд этилди. Ушбу муваффақият худудда глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самараси экани таъкидланмоқда. Сал аввалроқ бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам худди шундай фикр билдиришган эди. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти ўтган йилнинг сентябрь — ноябрь ойларида Буюк Британияда ишсизлик даражаси 2009 йилнинг мартидан бери энг паст кўрсаткич — 7,1 фоизга тушганини маълум қилганди.



Иш ўринлари қисқартирилади

Европанинг "Airbus Group" самолётсозлик концерни 5800 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи.

Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Режага кўра, мазкур қисқартириш келгуси уч йил давомида босқичма-босқич амалга оширилади. Хусусан, дастлаб унинг Францияда бўлимида 1400, Германиядаги тармоғида эса 2400 та иш ўрни камайтирилади. Ушбу қисқартиришнинг сабабларига ҳозирча оидинлик киритилмади.

Смартфонларнинг бозори чаққон

"IDC" тадқиқот компанияси маълумотларига кўра, якунланган йилда дунё бўйича бир миллиард дондан кўп смартфон сотилган.

Бу аввалги йилдаги нисбатан 38,4 фоиз кўпдир. Эришилган натижалар бўйича Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси рақобатчиларидан анча ўзиб кетган. Гап шундаки, истеъмолчилар томонидан харид қилинган мобил қурилмаларнинг 31,5 фоизи айнан шу корхона маҳсулотлари ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларни "Apple" (АҚШ), "Huawei" (Хитой) ва "LG" (Жанубий Корея) компаниялари эгаллади.



Смартфонлар савдоси юришишига уларнинг экранлари янада катталаштирилгани ҳамда нархларининг арзонлаштирилгани асосий сабаб бўлган. Айтилик, Ҳиндистон ва Хитой бозорида қиймати 150 АҚШ долларига тенг шундай мобил аппаратлардан жуда катта миқдорда сотиб олинган.

Сурункали ёмғир оқибати

Индонезиянинг Шарқий Ява музофотида муттасил ёққан ёмғир кўчкларни келтириб чиқарди.

Табиий офат туфайли худуд инфратузилмасига жиддий зарар етган. Жумладан, кўлаб тураржой бинолари вайрон бўлган. Беш киши ҳаётдан кўз юмган. Улар остида яна ўнлаб одамларнинг қолиб кетгани айтилмоқда. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилапти.

Бир тонналик танга

Германиянинг Мюнхен шаҳрида дунёдаги энг катта олтин танга намойиш қилинмоқда.

У соф олтиндан ясалган бўлиб, оғирлиги нақд бир тонна. Қиймати эса бир миллион Австралия долларига тенг. Ушбу ўзига хос ноёб экспонат Мюнхенда шу йилнинг 30 январь кунига қадар намойиш этилади. Кейин уни Германиянинг яна бир неча йирик шаҳарларида кўргазмага қўйиш кўзда тутилган.



Қариялар уйдаги кўнгилсизлик

Канаданинг Л'Иль-Верт шаҳри (Квебек музофоти)даги қариялар уйда содир бўлган ёнгин оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди.

Шунингдек, ўн саккиз киши бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига таяниб, "СТВ News" телеканали хабар тарқатди. Айни пайтда худудда кучли совуқ ҳукм суриб, шамол эсаётгани боис қидириш ишлари анча қийин кечаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Утемурад ЖАМИЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги "Аббосбек-Ширинтой" хусусий корхонаси раҳбари:

— Макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида "Ипотека-банк"нинг маблағларидан бир неча бор фойдаландик. Масалан, 2011 йилда унинг 40 миллион сўмлик кредити эвазига макарон тайёрлашни ўзлаштирган бўлсак, ўтган йили яна 200 миллион сўм

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бунда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, мазкур молия муассасаси нафақат кредит берувчи ёки пул операцияларини бажарувчи, балки чуқур молиявий-иқтисодий таҳлил асосида

Хизматлардан мижозлар мамнун

миқдориде кредит олиб, шунинг ҳисобидан цехларимизга замонавий ускуналар ўрнатиб, ҳатто, модернизация қилдик. Натижада қўшимча 5 киши иш билан таъминланди. Биласими, ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити кучайиб бораётган ҳозирги шароитда янгиликка ин-

малакали маслаҳат ва йўналишлар кўрсатувчи ташкилот сифатида мижозлар билан ҳамкорликни йил сайин мустаҳкамлаяпти. Айниқса, банк томонидан кредит маблағлари, асосан, корхоналарга зарур хом ашё, минитехнология ва ичим ускуналар сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда маиший хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларга йўналтирилаётгани ўз самарасини бераётди. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни сифатли ва замонавий маҳсулотлар билан тўлдириб бораётибди, аҳоли турмушининг янада фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Шокир Тўлаганов, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги "Садаф" тижорат корхонаси раҳбари: — Мана, ўн саккиз йилдирки, "Ипотека-банк"нинг мижозимиз. Шунинг билан керакки, мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунимиз. Чунки банк ходимла-

рига бирор масала юзасида мурожаат қилсак, тезда эътиборга олиб, ёрдам беришади. Дастлаб корхонамизда 5 киши меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда ишчиларимиз сони 14 нафарга етди. Бу ҳам ана шундай мустаҳкам ҳамкорлик самарасидир. Айтиш керакки, банкининг Чирчиқ филиалида "Тадбир-

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техника таъминоти бошқармаси куйидаги моддий-техника жиҳозларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади: юк ташийдиган ва энгил автотранспорт воситалари учун аккумулятор батареялари; АКБ 12 V 55, АКБ 12 V 60, АКБ 12 V 75, АКБ 12 V 88, АКБ 12 V 90, АКБ 12 V 100, АКБ 6 СТ 35, АКБ 6 СТ 55, АКБ 6 СТ 60, АКБ 6 СТ 62, АКБ 6 СТ 72, АКБ 6 СТ 75, АКБ 6 СТ 90, АКБ 6 СТ 132, АКБ 6 СТ 190; автомобиль шиналари: 280x508 (10.00 R 20), 320x508 (12.00 R 20), 235/75R15, 8.40x15 (215/90-15); юк ташийдиган ва энгил автотранспорт воситалари учун мотор мойлари: 5W-40 (синтетик), 10W-40 (ярымсинтетик), 15W-40 (минераль), 15W-40 (дизель учун); клуб креслолари; раҳбар учун кабинет тўплами; конференция ўтказиш учун стол; конференция ўтказиш столига стуллар (креслолар); альпинистлар анжомлари; ўзини қутқариш (самоспасатель); ёзги ип газлама пайпоқлар; қишки пайпоқлар; оқланган гуруч; перловка ёрмаси; арпа ёрмаси; бугўдй ёрмаси; мош; ош тузи; макарон маҳсулотлари; томат пастаси; куруқ мевалар; маргарин; идиш-товоқ ювиш воситалари; канцелярия моллари; хўжалик моллари; энергия тежовчи лампалар. Шунингдек, куйидаги ишларни бажариш учун танлов эълон қилади: биноларни жорий таъмирлаш; иссиқ сув ўлчигичларни ўрнатиш; электр симлари ва электр аппаратларни лаборатория текширувидан ўтказиш.

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Утчена тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖК-1-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Караван холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЁАЖ УМ, «Концерн карвон стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст фуд» МЧЖ, «Стройгород медиа» МЧЖ, «Стройгород имкон» МЧЖ, «СЖ Проект мастер» МЧЖ, «Карвон сторж» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой материал» МЧЖ, «Стройгород экспресс» МЧЖ, «Стройгород ютук» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулкларни мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 16 563 369 105,5 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 3 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 28 февраль кунин соат 18.00. Аукцион савдосига қўйилган қўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдоларига куйидаги қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси. Бошланғич баҳоси — 82 814 420 сўм. 2. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2013 йил 4 октябрдаги 1-6024-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлик тумани, Нанай қишлоғи, «Жаҳонобод» ҚФЙда жойлашган қўчмас мулк. Бошланғич баҳоси — 81 250 000 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 18 мартдаги 898-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, 3-даха, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси — 17 526 171 сўм. 4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 ноябрдаги 70007/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган қўчмас мулк. Бошланғич баҳоси — 220 000 000 сўм. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 сентябрдаги 1-6439/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Регистон 6-тор кўчаси, 20-уй. Бошланғич баҳоси — 1 166 716 000 сўм. 6. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуасининг 2-қаватида жойлашган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 786 801 556 сўм. 7. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «Б». Бошланғич баҳоси — 969 839 417 сўм. 8. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси ичида жойлашган блок «А». Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм. 9. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкул кўчаси, 84-уй. Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 13 февраль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. 10. Зангиота тумани СИБ томонидан 14477-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» ҚФЙ, К. Сағдуллаев кўчасида жойлашган иссиқхона. Бошланғич баҳоси — 85 000 000 сўм. 11. Охангарон тумани СИБ томонидан 2014 йил 9 январдаги 1, 2, 3-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Охангарон тумани, Саноат худудиде жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм. 12. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 июлдаги 1-4659/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кўргазма (собиқ Х. Юсупова) кўчаси, 9-уй. Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 28 февраль кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги қўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар хар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунин қолганда, соат 16.00 да тўхтаилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАИТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунин мобайнида тўлиқ тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

O'ZSANOATQURILISHBANK ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА! «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ IP-телефония учун «Cisco» жиҳозларини харид қилиш бўйича очиқ тендер эълон қилади. Тендерда Ўзбекистон Республикасидаги резидент ва норезидент ташкилотлар иштирок этиши мумкин. 1. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили ва телефон: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (+99871) 140-36-40. Факс: (+99871) 140-70-82. E-mail: it@uzpsb.uz 2. Тендер мавзуси. «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ IP-телефония учун «Cisco» жиҳозларини харид қилиш. 3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва мuddатлари. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва мuddатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган. Тендер ҳужжатларининг нархи — 300 АҚШ доллари. Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер комиссиясига мурожаат этиш лозим. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2014 йил 3 март соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" давлат-акциядорлик темир йўл компанияси темир йўл тармоғидаги ишчи-ҳодимларнинг махсус кийим-кечак ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар учун танлов эълон қилади. Танлов учун ўтказиладиган кўргазма 2014 йил 5 февраль кунин «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг Марказий темир йўлчилар маданият саройида бўлиб ўтади. Кўргазмада иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилиши мумкин: (8-371) 237-92-37, 237-93-12. Факс: (8-371) 237-98-96.

"Ўзтемирйўлйўловчи" ОАЖ Ангрен ва Поп шаҳарларида темир йўл вокзали қурилиши бўйича лойиҳа (архитектура ва дизайн) ишларига танлов эълон қилади. Манзил: Тошкент ш., Туркистон к., 7-уй. Телефон: (8-371) 238-89-96.

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, техник соз пахта толасидан ип йигирувчи ускуналарни сотади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Галаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси. Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

Реклама ўрнида

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири, буюк ватандошимиз Алишер Навоийдир. Унинг ижодий меросини дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида эрон, афгон, ҳинд, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам кунт билан ўрганоқда. Буюк ватандошимиз ҳақида маъмуриятларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса, диққатга сазовор.

Бебаҳо меросимизнинг халқаро эътирофи

Навоий меросининг ўзбек тилидаги мукамал матни яратилган. Шоирнинг 10 жилдан иборат асарлар тўплами нашр қилинди. Рус тилидаги 10 жиллик асарлари ҳам чоп этилган. Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб тилларида таржима қилинган ва янги-янги нашрлари амалга оширилиб келинмоқда. Маданий меросимизни тадқиқ этиш борасидаги изланишлар натижасида Навоий меросининг янги қўлёзма нусхалари топилди, илмий истифодага киритилмоқда.

Ҳиндистонда ҳам таржима қилинганлигини кўрсатмоқда. Бу хайрли ишга Абдулқошир Шайхон вафотидан сўнг ҳам давом этди. У мазкур асарнинг 1491 йилда кўчирилган нодир қўлёзмасидан фойдаланган ҳолда унинг форс тилига таржимасини муваффақиятли амалга оширган.

Алишер Навоийнинг мактаб дарслиги сифатида тартиб берилган оддий тарма девони нусхаларининг Мумбайдаги Кома тадқиқот марказидан топилгани эса, шоир меросининг мактабда ҳам қўлланма сифатида истифода этилган бўлиши мумкин, деган тахминни уйғотади. "Мажолис ун-нафоис" асари форсча қўлёзмасининг Мадрас Давлат Шарқ қўлёзмалари кутубхонасидан ўрин олганлиги, "Фароийб ус-сиғар" девонининг Ҳиндистонда тартиб этилган қўлёзмаси, "Сафди Искандарий" асарининг Мухийиддин томонидан "Фавоийди Алишерий" номи билан форс тилидаги шарҳи ҳам иборат қўлёзмасининг Ҳайдарободдаги Усмония дорилфунуни кутубхонасида сақланаётганлиги эса, Навоий асарлари таржималарининг тарқалиши қўлама кенглигидан дарак беради.

Бобокалонимизнинг бой мероси нафақат Шарқ, балки Фарб олимларининг ҳам диққат-эътиборида бўлиб келган. XVI асрнинг охиридан XVII асрнинг бошларигача Навоий асарлари италян тилида 4 марта, немис тилида 5 марта чоп этилган. Булар орасида "Фарҳод ва Ширин", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларининг немис тилига ўғирланлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Олимларнинг эътирофига, бу таржималар орасида А. Курелланнинг "Фарҳод ва Ширин" достони таржимаси бадиий жиҳатдан юксаклиги билан эътиборга моликдир.

Немис олими Альфред Курелла Навоий ижодига юксак баҳо бериб шундай деган экан: "Буюк новатор Навоийнинг дostonлари, рубоий ва эпиграммаларида тараннум топган озод руҳга Гёте бутун шодлигини бахшида этган бўлар эди".

Сўнгги маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарининг инглиз тилидаги наشري ҳам амалга оширилаётганлиги Фарбда Навоий асарларини ўрганишнинг янги палласи бошланганлигидан дарак беради. Шуни гуруҳ ва ифтихор билан айтиш мумкин, Алишер Навоийнинг жаҳоншумул аҳамиятга молик бой мероси



сидан Европа халқлари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Хазрат ижодини чет эл китобхоналарига етказишда ва тарғиб қилишда инглиз, немис, француз, испан, поляк, венгер, чех, словак тилларида чиқарилаётган "Леттр" ("Адабиёт") журнали ҳам катта фаолият кўрсатиб келмоқда.

Навоий ҳаёти ва ижодини тўлалигича ёритиш, "Хамса"нинг жаҳоншумул қомусий асар эканлиги, Навоийнинг буюк шоирлигини кўрсатиш, ижодкорнинг фикр, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларини ривожлантиришдаги ҳиссаси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги фаолиятини чуқур очиб бериш ниҳоятда шарафли вазифадир. Бинобарин, унинг бой мероси жаҳон халқларининг маънавий бойлигига айланиб, асарлари ҳаққоний ўрганилаётгани ҳар биримизга кескин гуруҳ ва ифтихор бахш этади.

Саидбек ҲАСАНОВ, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор.

Шоир хотирасига эътиром

Президентимизнинг 2013 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойларда шоир ижоди ва хотирасига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай адабий кечалардан бири Жиззах педагогика касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

Тадбирда Муҳаммад Юсуф шеърини, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Коллежининг бироқ иқтидорли ўқувчилари Муҳаммад Юсуф шеърларидан ўқиб бердилар.

А. АБДУСАТОРОВ.

Термиз шаҳрида ҳам шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувда сўзга чиққанлар мустақиллик йиллари миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлар меҳнати муносиб қадрланаётганини қайд этдилар. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу юксак эътиборнинг амалий намуналаридан биридир.

Шу кунларда Сурхондарё вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида, маҳаллаларда ўқувчи-ёшлар, шоир мухлислари ва кенг жамоатчилик иштирокида ташкил этилаётган давра суҳбатлари, учрашув ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Н. ТЕМИРОВ.

ИЗЛАНИШ

Жийда меваси, айниқса, толқони иммунитетни ошириш ва турли хасталикларни даволаш хусусида эга. Бироқ уни қандай қилиб санаот усулида ишлаб чиқариш мумкин?

Жийда унидан — биоқўшимча



Наманган муҳандислик-технология институти олимлари бу саволга ижобий жавоб топдилар. Хусусан, иқтисод фанлари номзоди Олимжон Қозоқов раҳбарлигида ихтиро қилинган қурилма маҳаллий хом ашё асосида болалар таомлари учун фаол биоқўшимча ҳисобланган жийда уни тайёрлашга ҳизмат қилади. Олимлар ушбу мевани қайта ишлаш ҳисобига кунига 30 килограммгача шифобахш махсулот олиш мумкинлигини синов-тажриба чоғида аниқлашди. Янгиликни ишлаб чиқиш жараёнида жийдазорлар ташкил этиш, ушбу дарахт мевасининг пўстлоғи ва мағзини ажратиш олиш, болалар бутқаси ҳамда печенегани тайёрлашда фаол биоқўшимчадан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яшилликка буркани

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида келгусида 2,5 миллион АҚШ долларлик грант маблағлари эвазига кенг қўламли кўламли-зорлаштириш ишлари амалга оширилади.

ҲАМКОРЛИК

Навоий шаҳрида Жанубий Кореянинг КОИСА (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги) вакиллари ҳамда маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ушбу лойиҳа тақдироти ўтказилди. — Беповён Малиққўл ҳудудида жойлашган эркин индустриал-иқтисодий зона атрофида япон софори, Хитой можжевелыниги, тамарис каби 15 турдаги ноёб дарахт кўчатлари ўстирилади, — дейди Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳа менежери, профессор Юн Тек Синг. — Натижада 144 гектар ер майдони кўламлизорлаштирилиб, серсоя, иссиқ иқлимга мослашган манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилади. Бу эса ҳудуд кўркіга кўрк қўшиши баробарида, экологик мусаффоликни таъминлашга ҳам ҳизмат қилади.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ипаклари тиллодан...

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият қарвонсаройида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан..." деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

КЎРGAЗMA

Кўргазмадан ўзбек дўппиларининг турли даврларда тикилган эликдан зиёд турлари ўрин олган бўлиб, улар мамлакатимиз музейлари ҳамда шахсий коллекциячи Фахриддин Абдуҷабборов томонидан сақланиб келинмоқда. Кўргазмада намойиш этилаётган дўппилар турли ёшдаги эркак ва аёлларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг аксарияти баҳмал, сидирга шойи, сатинга ип, ипак, зар иплар билан тикилган.



Бу ерда қадим дўппилардан тортиб, Шаҳрисабзнинг гиланмухса, Ургутнинг пилтадўзи, Тошкент ва Фарғонанинг ироқи, Бухоронинг зардўзи-гүлдўзи ва зардўзи-заминдўзи дўппилари ҳам намойиш қилинмоқда. Бу каби экспонатларни томоша қиларкансиз, бир неча асрлик тарихини ўз ичига олган дўппилар чинакам санъат асари даражасига кўтарилганига яна бир бор амин бўласиз. Бинобарин, ўзбек аёллари томонидан тикилган дўппиларга нафақат юртимиз, балки хорижий давлатларда ҳам қизиқиш катта.

Кумушбиби ЭРМАТОВА.



Туризм: ИЛҒОР ИНФРАТУЗИЛМА ВА ИСТИҚБОЛ

Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Қашқадарё истиқлол йилларида мамлакатимизнинг кўркам, обод ва тароватли манзилларидан бирига айланди. Бунёдкорлик ишлари ҳудуд хусусига хусн қўшди. Инфратузилма ривожланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тарихий ёдгорликлар асраб-авайлашмоқда. Зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Буларнинг бари воҳанинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга ҳизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрда қабул қилинган "2013 — 2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янада кенгайтириш ва жадаллаштиришга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, ҳудудда тарихий-меморий ансамбллар ҳамда обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, туристик ва ҳизмат кўрсатиш объектларини бунёд этиш ҳамда мавжудларини янгилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳларга ҳизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш каби устувор вазифалар

кўзда тутилган. Жумладан, Қаршини замонавий туризм масканларидан бирига айлантириш учун айни пайтда шаҳар аэропортида бизнес-зал бунёд этиш, Китоб темир йўл станциясини реконструкция қилиш ишлари олиб борилаяпти. Бинобарин, вилоятнинг турли ҳудудларида 30 та янги меҳмонхона қуриш ва фаолият кўрсатиб турган иншоотларни реконструкция қилиш орқали улардаги ўринлар сонини икки баробар ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Яна бир янгилик. Шу кунларда экотуризм имкониятларини кенгайтириш мақсадида Миришкор туманидаги Ачинкўл сув ҳавзаси қирғоғида ўзига хос объект — "Биологик буюртмаҳона", бобокалонимиз Амир Темури таваллуд топган Яққабог туманининг Хўжайлғор қишлоғида Сохиққироннинг болалик йилларини акс эттирувчи музей ташкил қилиш, "Самарқанд — Шаҳрисабз" автомагистрალი бўйлаб за-

монавий туристик кемпинглар қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Шунингдек, Китоб туманидаги "Баландтоғ" обсерваторияси, Хисор кўриқхонаси ва Китоб давлат геологик кўриқхонасига ташрифлар бўйича туристик дастурлар ишлаб чиқиш, Мингчинор қишлоғи ҳудудида тоғ-чанги базаси ва осма йўл бунёд этиш режалаштирилмоқда. Дарвоқе, тез орада Шаҳрисабзга ташриф буюрувчи сайёҳлар электромобилда сайр этиш имконига ҳам эга бўладилар.

Эътиборли жиҳати, 101 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган мазкур дастур доирасидаги чора-тадбирлар натижасида 2016 йилга бориб, воҳамизга келувчи сайёҳлар сони 2012 йилдагига нисбатан 1,4 баравар ошиб, 33,2 минг кишига етади. Ўз навбатида, уларга кўрсатиладиган жами хизматлар 4,5 миллиард сўмликни ташкил этади. Буларнинг бари истиқболда Қашқадарёнинг сайёҳлик салоҳияти янада юксалишидан далолатдир.

Ўқтам ХЎҲАЯРОВ, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Қашқадарё вилояти сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси директори.

Advertisement for JUN LONG INDUSTRIAL, featuring images of briquettes and stoves. Text: Республика аҳолиси диққатига! «JUN LONG INDUSTRIAL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси табиий Ангрэн кўмири кукунидан тайёрланган кам аралашмалли ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган. Кўмир брикетларини сув билан иситиш печларини таклиф қилади. Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Манзиллимиз: Тошкент вилояти, «Ангрэн» махсус индустриал зонаси. Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73. e-mail: jlangren@mail.ru

Advertisement for FPI-DELIVERY SERVIS MCHJ and TIGUAN. Text: Республика аҳолиси диққатига! «FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томоғқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган ёнилги тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган. «TIGUAN» русумли мотокүлтываторларни таклиф этади. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Махсулот сертификатланган. Мурожаат учун телефонлар: (+998 94) 160-27-24, (+998 90) 176-81-45. Факс: (8-371) 234-62-45. «ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача ЭЪЛОНЛАР 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes: Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ, 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 342 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. Манзиллимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРИР — М. ЖОНИХОНОВ. НАВБАТЧИ — С. МАХСУМОВ. МУСАФҲОНИК — С. ИСЛОМОВ. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.50 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5